

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил сентябрь ойининг 16-кунида жиноят ишлари бўйича Гиждувон туман суди Гиждувон туман “Шарк” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи судья Б.Умаров, судья ёрдамчиси А.Асадовнинг котиблигида, томонлардан Гиждувон туман прокурори ёрдамчиси А.Асадов, гумон қилинувчи К.Ярашов ва унинг ҳимоячиси Гиждувон туман “ADOLAT YULDUZI PLYUS” адвокатлик фирмаси адвокати З.Мўминов, жабрланувчи Г.Ахмедованинг иштирокида Ярашов Камолиддин Абдувоҳидовичга нисбатан 1-2006-2401/257-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ярашов Камолиддин Абдувоҳидович (YARASHOV KAMOLIDDIN ABDUVOHIDOVICH) 1983 йил 13 март куни Гиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Гиждувон туман “Дилкушо” маҳалла фуқаролар йиғини “Ю.Ҳамадоний” кўчасида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2006-2401/257-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, К.Ярашов 2024 йил 04 август куни қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, ўзининг турмуш ўртоғи Г.Ахмедова билан ўрталарида мавжуд бўлган ўзаро келишмовчилик замирида жанжаллашиб, жанжал вақтида хўжалик буюми ҳисобланган белкуракни Г.Ахмедовага улоқтириб, унинг ўнг оёқ болдир соҳасига РСТЭИАМ БФ Гиждувон туман пункитининг 718-сонли хулосасига кўра клиник-морфологик тасдиқланган ўнг болдир пастки учлигидаги яраси, ахил пайини жароҳатланиши кўринишидаги оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳат етказиб, оилавий зўравонлик жиноятини содир қилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи К.Ярашов, жабрланувчи Г.Ахмедова ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраганлар.

Гиждувон туман прокурори 2024 йил 28 август кунидаги қарорига кўра, гумон қилинувчи К.Ярашовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисми билан юритилган жиноят иши



ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи К.Ярашов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 04 август куни ўзининг турмуш ўртоғи Г.Ахмедова билан ўрталарида мавжуд бўлган ўзаро келишмовчилик замирида жанжаллашиб, жанжал вақтида хўжалик буюми ҳисобланган белкуракни Г.Ахмедовага улоқтириб, унга енгил тан жароҳати етказиб, оилавий зўравонлик қилганини, ҳозирги кунда жабрланувчи Г.Ахмедовага етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашганини, айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги ва оилавий шароитини инобатга олиб, улар ўртасидаги ярашувни тасдиқлаб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Жабрланувчи Г.Ахмедова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2024 йил 04 август куни гумон қилинувчи турмуш ўртоғи К.Ярашов билан ўрталарида мавжуд бўлган ўзаро келишмовчиликлар замирида жанжаллашиб, жанжал вақтида хўжалик буюми ҳисобланган белкуракни унга улоқтириб, унга енгил тан жароҳат етказиб, оилавий зўравонлик қилганини, ҳозирги кунда К.Ярашов унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраганини, гумон қилинувчи К.Ярашовга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, К.Ярашовга нисбатан бўлган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўраб ариза тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан ўзаро ихтиёрий ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи К.Ярашов, жабрланувчи Г.Ахмедованинг жиноят ҳолатлари ҳамда ярашув тўғрисидаги аризалари бўйича сўзларини прокурорнинг томонлар аризаларини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, гумон қилинувчи К.Ярашовнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчи Г.Ахмедова билан ихтиёрий ярашганлиги, моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопланганлиги сабабли жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим деб топади.

Суд, жабрланувчи Г.Ахмедовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан



сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисми билан гумон қилинувчи Ярашов Камолиддин Абдувоҳидович (YARASHOV KAMOLIDDIN ABDUVOHIDOVICH)га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Г.Ахмедовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-585-моддаларига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози томон ўн сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериш ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Умаров

Нусхаси аслига тўғри:

Б.Умаров

